



1922 йилда машхур палеонтолог хисобланган Файрфилд Осборн ва Хорд Ж. Гук гарбий Небрасканинг Snake Gook дарёси ўзанларидан плиоцена даврига оид бир фосил (тошга айланган) озик тиши топилганини маълум килдилар. Топилма ўша даврнинг илмий доираларида катта бахс-мунозараларга сабаб бўлди. Баъзи обрўли олимлар бу тиш шимпанзегга ёки инсонга тегишли, деган фикрни илгари сурдилар. Шунга карамай Осборн, шу биргина тишга суяниб, уни инсон билан маймун ораликидаги бир махлукка оид, дея уни “Небраска одами” дея атади. Бироз муддат ўтгач, топилмаган “*Hesperopithecus haroldcooki*” деган илмий ном ҳам топилаколди. Кўп олимлари Осборнни кўллаб-куватлашди ҳам. Топилмага оид ховликма хукмлар шу билан тўхтаб колгани йўк. Британиялик машхур антролог Эллиот Шмид ўша озик тишдан “илхомланиб” макола ёзди ва унга “Небраска одами” ва хотинининг (!) суратини илова килди.

Уильям Брайан каби олимлар шошилиш карор чикармай аввал яхшилаб текшириш кераклигини айтишганида эволюция назарияси сафсатасининг калтафахм тарафдорлари унга шиддат билан карши чикишиб, танкидларга кўмиб ташлашди.

1927 йилга келиб, скелетнинг бошка кисмлари ҳам топилди. Бу тиш маймунсимон махлукка ёхуд инсонга эмас, бор-йўги бир ёввойи тўнгизга тегишли эканлиги маълум бўлди. Аникланишича, тиш аллакачон йўк бўлиб кетган америка тўнгизи «*Prodthennops*»га тегишли экан. Уильям Грегорнинг уйдирмани фох килувчи “*Hesperopithecus* - инсон ҳам, маймун ҳам эмас экан” сарлавхали маколasi «*Science*» журналада босилиб чикди.

Кискаси, эволюция гоясини илгари сурувчиларнинг дунёси чўчка тишига караб бир одам ва хотинининг расмини чизабилажак кадар катта “кобилиятлар” (!) билан тўлиб-тошгандир. Уларнинг бу каби сафсаталари факат ўзларини ишонтаришгагина ярайди!

Дарвин "Инсоннинг келиб чиқиши", деб номаланган китобида турларнинг бошқа турга айланиши жараёнида инсонни маймунсимон махлукдан келиб чиқканини иддо килганидан сўнг ўша "маймунсимон махлук"ни излашга киришиб кетилди. Баъзи эволюциячилар, нафакат бундай махлукларнинг колдиклари, балки дунёнинг турли жойларидан ҳам уларнинг тирик турларини топилишига каттик ишонишар эди. XX аср бошларида шундай маймунсимон махлукларнинг тирик турларини излаш гирт ахмокона услуб билан олиб борилди.

Ota Benga исмлик бир пигмей вокеаси бунга яккол мисол.

1904 йили эволюция тарафдори бўлган тадқиқотчи Сэмюэл Вернер Конгода Ota Bengани асирга олади. "Ota Benga" уларнинг тилида "дўст" деган маънони беради.

Алкисса, занжирбанд килишиб, хайвон каби кафасга солишади ва Америкадаги Авлиё Люис халқаро кўргазмасига юборишади. Эволюция тарафдори бўлган махаллий олимлар бир неча хил маймунларнинг турлари билан уни ёнма-ён жойлашган кафасга солишиб, инсонга энг яқин "ўтиш тури" деб тақдим килишади. Икки йилдан сўнг уни Нью-Йоркдаги Бронкс хайвонат боғига кўчиришади ва шимпанзе, горилла ва орангутанлар билан бир каторда одамзоднинг энг қадимий тури деб кўргазмага қўйишади. Хайвонат боғининг рахбари дахрий Уильям Хонедей ўз нутқларида "ўтиш тури"га эга бўлган махлук билан фахрланишини айтиб юрган. Хайвонат боғига ташриф буюрувчилар Ota Bengани хайвон деб билишган. Хуллас, у кейинчалик турли хил укубат ва шармандаликларни кўтара олмай, ўзини ўзи ўлдиришга мажбур бўлган.

Ўнг томонда орангутан калла суяги билан инсон иягини бирлаштириб ҳосил килинган сохта "Пилтдовн одами"нинг реконструкция килинган уйдурма макети. (Куюк рангли қисмлар фосилларга оид). Чапда эса Пилтдовн одамининг 1913 йили "The illustrated London News" да эълон этилган "хаёлий" сурати.

Хулоса килиб айтадиган бўлсак, бу сохтакор "олимлар" илм ва фан номидан шу қадар

шармандали хиёнатни амалга оширишдан заррача тортинишмаган. Улар бу разилликни илм номидан амалга оширишга уринишди, натижада эса шу илмнинг ўзи уларнинг шармандасини чикарди. Аслида илм-фан бу каби сохтакорликларга муносиб жавобни бериб бораверади. Зеро, сохтакорлик доимо мағлубликка маҳкумдир.

Интернет ва манбалар асосида

Абу Муслим тайёрлади